O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MATBUOT PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 12-FEVRAL ■ PAYSHANBA ■ 17 (27.192) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р.Ф. ФАЙЗУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ, КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТРАНСПОРТ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Равшанбек Фатҳуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 11 февраль

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар ишлари бўйича олий комиссари Рольф Экеуснинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Ташрифнинг сўнгги куни Экеус жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлиб, қуйидагиларни баён этди:

— Ўзбекистонга сафаримнинг асосий мақсади мамлакат раҳбарияти билан кам сонли этник халқларнинг республикадаги ўрни ва ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш, Марказий Осиё минтақасидаги эҳтимолий хавф-хатарлар ҳамда ЕХҲТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш эди.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган этник кам сонли миллатлар ҳуқуқлари мамлакат қонунчилигида яққол акс этган бўлиб, бу турли элатлар ва этник гуруҳлар вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, уларнинг биргаликдаги тўлақонли фаолияти учун зарур имкониятлар ато этмоқда. Биз Ўзбекистон ҳукумати билан жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини инобатга олган ҳолда қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш йўлида самарали ҳамкорлик қилишимизга умидворман. Бу борадаги икки томонлама мулоқотни кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд.

Ташриф давомида мен турли ҳукумат идораларида кўплаб учрашувлар ўтказиш, шунингдек, Байналмилал маданият маркази фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Фикримча, ушбу марказ мамлакатингизда истиқомат қилаётган турли этник гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришда, уларнинг маданиятини бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шубҳасиз, бу каби марказларнинг фаолияти бутун Ўзбекистон халқининг бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мен Ўзбекистон ҳукуматининг 120 дан зиёд миллат ва халқлар истиқомат қилаётган мамлакатда миллатлараро тотувликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайман. Ишончим комилки, бу халқлар вакилларининг барчаси давлатингизнинг иқтисодий юксалишига, Ўзбекистоннинг қадимий ва серқирра маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

«Жаҳон» АА

Тажриба, ташаббус, таҳлил

«ЎзДЭУавто»: «СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИ»

— МАҲСУЛОТ ТАКОМИЛИ, ТЕЖАМИ ВА МЎМАЙ ДАРОМАД ДЕГАНИ

Истиқлол йилларида Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг фаолият кўрсатиши билан мамлакатимиз дунёдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлар қаторига қўшилди. Бугунги кунда гигант корхона маҳсулотлари — «Тико», «Дамас», «Нексия», «Матиз», «Ласетти» енгил автомашиналари ўзимиздагина эмас, хорижда ҳам харидоргир.

Асакалик автомобилсозларнинг сўнгги пайтларда «сифат тўгараклари» ташкил этганликлари бу ҳаракат ва изланишларини янада мустаҳкамлашга бўлган астойдил интилишларини кўрсатмоқда.

Қўшма корхона корпоратив инновациялар бошқармасининг менежери Ҳ.ТОЖИБОЕВ:

— Бундай тўгаракларни тузиш ва ривожлантиришда биз асосланган тамойиллар: кўнгиллилик, ҳар ким ўз устида мунтазам ишлаши, фаоллик кўрсатиши, сифатни бошқариш усулларини амалда қўллаши, шунингдек, тўгарак аъзоларининг ўзаро тажриба алмашиши, ўқиб-ўрганиши ва ҳоказо...

Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси сифатли маҳсулот чиқаришга, таннархни туширишга, машина-механизмларнинг ишлаш муддатини узайтиришга, хомашё материалларини иқтисод қилишга, янги техника ва технологияларни жорий этишга, иш жойларида ижодий яратувчилик муҳитини яратишга, ишчи-хизматчилар малакасини оширишга, меҳнат хавфсизлигини таъминлашга ҳамда меҳнат интизомини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади...

Биласиз, маҳсулот сифатининг юқорилиги — уни яратиш жараёнларида таъминланади. Унга бир неча омилларнинг таъсири бор. Улар уч гуруҳга бўлинади:

Биринчиси, материаллар ва техникавий омил (ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, дастгоҳлар, ишлаб чиқаришнинг техник ва метролог таъминоти, синов ҳамда назорат услуби, воситалар, ишлатиладиган материаллар, бинолар, қурилмалар).

Иккинчиси, маъмурий омил (ташкилотнинг умумий ишлаб чиқариш фаолиятини ва қисман сифат бошқарувини ташкил этиш).

Учинчиси, инсон омили (малакаси, касбий билими, ишга бўлган қизиқиши...)

Бу уч омил сифатни таъминлашда энг керакли шартлардир. Шунда ишчи-хизматчиларда меҳнатга қизиқиш ортади.

Ўтган икки йилдан кўпроқ муддат мобайнида корхонада сифат тўгараклари ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш йўлида анчагина ибратли ишлар амалга оширилди. Агар 2002 йилнинг I апрелигача 25 та сифат тўгараклари тузилган бўлса, 2002 йилнинг 25 ноябрига келиб уларнинг сони 51 тага етди. Ҳозир эса 130 тадан ошди. Улар томонидан бугунгача 402 та рационализаторлик таклифи берилиб, уларнинг 154 таси ишлаб чиқаришга муваффақиятли татбиқ этилди. Иқтисодий самара 59 миллион 650 минг сўмни ташкил этди. 2003 йилда тўгаракларнинг 4 та танлов конференцияси бўлиб ўтди. Уларда 10 та тўгарак жамоаси фаол қатнашди. Маҳсулот сифатини ошириш ва иш шароитини яхшилашга оид таклифлари ҳамда уларни амалиётда қўллаш борасидаги муаммоларнинг илмий ечимини кўтарган «Энергетик» сифат тўгараги жамоаси биринчи ўринни, «Матонат» сифат тўгараги иккинчи, «Кибернетик» жамоаси учинчи ўринларни олишди. Фолибларга фахрий ёрлиқлар билан бирга пул мукофотлари берилди.

«Энергетик» сифат тўгараги раҳбари Шуҳратбек НАЗИРОВ:

— Электр энергиясини тежаш муаммоси устида изчил изланиб, электр кучланишини бир маромда сақлашга ва янги электрон мосламаларни қўллашга тегишли таклифимиз юқори баҳоланиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдик. Бу ютуқда Гулшанбек Исоқов, Дилшодбек Мўминов, Раҳмиддин Ортиқов сингари изланувчи аъзоларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Қўшма корхона бош директорининг биринчи ўринбосари жаноб Чанг Донг ВОН:

— Ҳар бир сифат тўгараги аъзоларининг катта-кичик муаммоларни ҳал этиш ва маҳсулот сифатини оширишга бўлган интилишларидан ҳурсандман. Уларнинг астойдил ҳаракатлари корхона ривожланишига хизмат қилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: корхонанинг илғор ишчиси Маҳаммаджон Мадаминов (юқоридан ўнгда); «Engine aydit repair» ва «Энергетик» сифат тўгараклари аъзолари ўзаро маслаҳатда.

Аъзамжон ҚОДИРОВ олган суратлар

ХДП ҳаёти

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти **«Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Эришган марраларни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз» номли маърузасини ХДП тузилмаларида ўрганиш ва тарғиб қилишни ташкил этиш тўғрисида»** қарор қабул қилди.

Ҳужжатда таъкидланишича, давлатимиз раҳбарининг республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февраль куни ўтган йиғилишидаги маърузасида кўтарилган долзарб масалалар, белгилаб берилган устуворликлар умумхалқ аҳамиятига молик ва партиямиз дастурий ғояларига ҳамоҳангдир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти партиянинг Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ХДПнинг барча бошланғич(ҳудудий) бўғинларида мазкур маърузани ўрганишни ташкиллаштириш вазифасини топширди. Ушбу мақсадда сиёсий ўқишларнинг мавжуд шакллари(маърузалар, суҳбатлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ва ҳ.) ҳамда воситалари (сиёсий клублар, ёшлар клублари, маънавият тўгараклари ва бошқалар)дан фойдаланиш, бу ишга тажрибали тарғиботчилар, халқ хўжалиги мутахассислари, ижтимоий фанлар вакиллари, ўқитувчилар, ХДПдан сайланган депутатларни кенг жалб қилиш тавсия этилди.

Партиямиз барча тузилмаларининг Юртбошимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳоли турли табақалари орасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этишлари ва бу ишда давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан қалин ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрлари таҳририятлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мазкур маърузасида кўтарилган масалаларга оид мақола, мусоҳаба ва бошқа материалларни чоп этишни йўлга қўймоқлари лозим.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Itesa-Osiyo» халқаро кўргазма компанияси томонидан ўтказиладиган «Реклама ва дизайн» биринчи миллий танловига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Танлов ташкилотчиларининг таъкидлашича, бу тадбир маҳаллий рекламанинг ижодий ютуқларини излаб топиш ва оммалаштириш ҳамда энг иқтидорли муаллифларни реклама бозорига йўналтиришга қаратилган.

«Itesa-Osiyo» компанияси шу кунга қадар Тошкентда 20 га яқин турли махсус кўргазма ўтказган. Бу йил компания «Uzbuild — 2004», «InterFood Uzbekistan — 2004» каби ва бошқа 11 та ана шундай кўргазма ўтказишни режалаштирмоқда.

Абдуғани СОДИҚОВ

ҲАРБИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.ЎЛЖАБОЕВ). Пойтахтимизда АҚШ ҳукуматининг «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги» (EXBS) дастури доирасида мамлакатимиз чегарачиларига техникавий ёрдам тариқасида навбатдаги транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар топширилди.

Мазкур техникавий ёрдам КамАЗ ва Урал юк автомобиллари, шунингдек, кўчма генераторлар, бинокллар, қўл фонарлари ҳамда портатив компьютерлардан иборат бўлиб, умумий қиймати 1 миллион 189 минг 348 АҚШ долларига тенг.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари, чегара қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Ғ.Тишаев ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

АҚШ Божхона ва чегара агентлигининг EXBS дастури Ўзбекистонда 2000 йил апрелидан фаолият юритиб келмоқда. Шу кунгача мазкур дастур доирасида техникавий ускуна ва ўқув семинарлари шаклида 5 миллион долларлик ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда яна 600 минг долларлик ускуна етказиб берилиши кутилмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев иштирок этди.

ҚОҒОЗ ҚУТИЧАЛАРДА ҲАМ ҚАДОҚЛАНАДИ

Навоий вилоятида ҳам хуштаъм, чанқоқбосди яхна ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунга республика акционерлик тижорат ипотека «Замин» банки вилоят бўлимининг кредити эвазига эришилди. «Олтин шер» хусусий фирмаси ишбилармонлари Навоий шаҳрида Швейцария асбоб-ускуналари асосида ихчам корхона ташкил этишди. Натижада, ҳар куни 5 минг дона 1,5 литрлик 6 хилдаги харидоргир «Тархун», «Кола», «Апелсин», «Малина», «Дюшес» каби қадоқланган ширин сувлар тайёрлана бошланди. Энг муҳими, янги иш ўринлари ташкил этилди.

— Умумхалқ байрами — Наврўзга қадар бу кичик корхонада 12 хил ранг-баранг чанқоқбости ичимликлар ишлаб чиқарилади, — дейди вилоят «Замин» банк бошқарувчиси Сардор Мадраҳимов. — Насиб этса 0,5-1 литрлик ихчам қадоқланган ичимликлар ҳам тайёрлаяпмиз. Келгусида нафақат пластмасса идишларда, балки плёнкали ва қоғозли қутичаларда ҳам қадоқланган сувлар чиқарамиз.

Музаффар ШАРОПОВ

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКЧА ЧОЙ ТАОМИЛИ

Кунчиқар мамлакатнинг етакчи саноат марказларидан бири ҳисобланган Йокоҳама шаҳрида «Грейс» чой маркази мавжуд. Яқинда мазкур марказда ўзбекча миллий чой таомилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Япония ҳукумати аъзолари, таниқли фан ва маданият арбоблари, ишбилармонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари даставвал бу ерда ташкил этилган турли хорижий мамлакатларнинг чой ичиш маданиятига оид кўргазма билан танишиш имконига эга бўлишди. Хусусан, Ўзбекистонга оид кўргазма бурчаги меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Маълумки, чой ичиш таомили ўзбек халқи учун шунчаки удум эмас, балки миллий маданият ва турмуш тарзининг ажралмас қисми, одамлар ўртасидаги муомала воситасига айланган. Семинар чоғида қайд этилганидек, ўзбек халқининг чой билан боғлиқ бўлган барча урф-одатлари асрлар оша шаклланиш баробарида энг олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, меҳмондўст ўзбек халқининг бағрикенглиги ва меҳридан баҳра олган, Ўзбекистонда бир пиёла чой ичган ҳар бир хорижий сайёҳ серқуёш диёримизга интиқлик билан яшайди.

Тадбир давомида меҳмонлар бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Уларга ўзбекча тавозе ва мулозамат билан чой узатилиб, миллий ширинликлар улашилди.

Грейс чой марказининг директори Юми Ямане хоним семинар аҳамиятини қуйидагича баҳолайди:

«Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой маданияти жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, ўзбекча чой ичиш анъаналари нафақат бетакрорлиги, балки ўзининг аҳлоқий ва умумфалсафий мазмуни билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекча услубдаги чойнак-пиёлалар ва меҳмонга чой узатиш одобининг япон халқи анъаналарига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбир Япония жамоатчилигининг Ўзбекистон маданиятига қизиқиши ортаётганини яна бир бор намоён этди. Семинар тўғрисида «NHK» ва «TBS» каби мамлакатнинг етакчи телерадиокомпаниялари орқали махсус кўрсатувлар ҳам намойиш этилди.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Парламентда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ҳамда тингловчилари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланиши масаласига бағишланган мазкур тадбирда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Омбудсман институтининг қонунчиликда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ва демократик институтларни янада ривожлантириш борасидаги фаолияти хусусида сўз борди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова мазкур институт ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда иш олиб бораётган минтақавий Вакилларнинг фаолияти ҳақида батафсил гапириб берди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ ДАРГОҲИ



Фарғонадаги Таваккал Қодиров номли санъат коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги бинони бунёд этишда 426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизациялашган колонна қурувчи ва муҳандисларининг улкан ҳиссаси бор.

1957 йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур санъат даргоҳини уч ярим минг нафардан зиёд талаба битирган. Улар бугунги кунда миллий санъатимиз ривожи йўлида хизмат қилмоқда.

✧ ✧ ✧

Суратларда: тасвирий санъат ўқитувчиси Абдумажид Акбаров талаба Темур Мадаминов билан машғулот пайтида. Санъат коллежининг янги биноси.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

ХДП ҳаёти

ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАВҚЕИНИ ТИКЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЭЪТИБОРИ ШУНГА ҚАРАТИЛДИ

Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари пленуми бўлиб ўтди. Партия фаоллари, ХДПнинг турли даражадаги депутатлари иштирокида ўтган мазкур пленумда партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар, ютуқ ва камчиликлар атрофлича муҳокама этилди ва ташкилий масалалар кўрилди. Раҳмонқул Ҳамроқулов бошқа ишга ўтганлиги сабабли «Ўзиртаъмирқурилиш» уюшмасида масъул лавозимда ишлаб келаётган Камолбой Исабеков ЎзХДП Самарқанд вилоят Кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Шунингдек, Самарқанд шаҳар кенгаши биринчи котиби Шуҳрат Темиров бошқа ишга ўтганлиги сабабли партия тизимда ишлаб келган Абдумўмин Абдушукуров Самарқанд шаҳар кенгаши биринчи котиби ва вилоят кенгаши иккинчи котиби лавозимларига сайланди.

Пленумда ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди.

— 2004 йил партиямиз учун алоҳида аҳамиятга эга, — деди у. — Олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири — келгуси сайловларда муваффақиятли иштирок этишдир. Биз бугун нималарга қодирмиз? Партиямизнинг жамиятдаги долзарб муаммоларга нуқтаи назари қандай? Бу саволларга жавоб топишимиз керак. Минг афсуски, партиямизнинг айрим бўғинларида ижобий натижалар деярли сезилмаётир. Баъзи партия кенгашлари фаолиятидаги сустлик партия мавқеига путур етказмоқда. Биринчи котиб парламент ислоҳоти ва унда ХДП ташкилотларининг иштироки, сафдошларимизнинг ислоҳотларга қўшаётган ҳиссасини оширишни таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлисга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда муносиб ўринларни эгаллашга ҳаракат қилиш масаласи пленум иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Энг аввало, партия фаоллари тушкун, умидсизлик кайфиятидан халос бўлиши керак, дея таъкидлади МК биринчи котиби. Одамлар дардига шерик бўлиш, халқ билан ҳамнафас яшаш, ислоҳотлар йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашда бевосита иштирок этиб, ташкилотларимиз обрўйини ошириш, номзодлар ва уларнинг дастурларини кенг оммалаштириш орқали давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлик ўринларини кўпроқ эгаллаш мумкин. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмайди, балки партиямизнинг ҳар бир ташкилоти, ҳар бир аъзосидан ташаббускорликни талаб этади. Биз бу ҳақда партия фаолларининг фикрлари билан ҳам қизиқдик.

Ҳасан НОРМУРОДОВ, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси:

— Демократик жамият қураётган давлатлар тажрибасига эътибор қилганда, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат жуда кучли эканлигини кўриш мумкин. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам ана шу тамойилга амал қилган ҳолда фаолият юритишлари лозим. Очиғини айтганда, кейинги йилларда ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши фаолиятида анчайин сусткашлик кўзга ташланди. Бу борада ХДПнинг бир фаоли сифатида партия раҳбариятига ўз фикрларимиз, тавсияларимизни берганмиз. Айтиш мумкинки, ҳар бир партия ташкилоти ўз ҳаракатлари билан халқнинг ичига кириб бормаса, сўзи, амалий ҳаракатлари билан одамлар эътиборини қозона оладиган аъзолар, етакчиларга эга бўлмаса, аччиқ бўлса-да айтиш керак, барча ишлар бекор кетаверади. Ишонаманки, янги сайланган биринчи котиблар раҳбарлигида самарқандлик партия фаоллари кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб, ташкилотимизнинг обрўйини тиклашга эришадилар.

Ойдин ЖЎРАҚУЛОВА, ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши қошидаги «Бибихоним» аёллар клуби аъзоси:

— Бугун партиямизнинг вилоят, шаҳар кенгашлари пленумида долзарб масалалар кўтарилди. Камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. Шаҳар партия кенгаши томонидан кўплаб эътиборга молик ишлар амалга оширилаяпти. Лекин бугунги пленумда кўтарилган масалалар юзасидан ҳали кўп ишлашимиз, тер тўкишимиз ва фаолликни доимий шиоримизга айлантиришимиз лозимлигини англаб етдик.

Қизғин мунозаралар билан ўтган йиғилишда вилоят партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қарор ва ижро

ЭЛ РИЗҚИГА ХИЁНАТ

МОЛ-ҲОЛ — ҚУТ-БАРАКА, АЛБАТТА. ЛЕКИН НАЗОРАТСИЗ, ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРИЛГАН ЧОРВА МОЛЛАРИ ЭКИНЗОРЛАРНИ ПАЙҲОН ЭТИБ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА КАТТА ЗАРАР ЕТКАЗИШИ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 январдаги «Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, жойларда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари бу ишга ҳали тўла жалб этилмаяпти. Чунончи, ғалла ва бошқа экинзорлар ҳамда янгидан ташкил этилган боғ-роғларнинг пайҳон этилиши, нобуд бўлиши ҳоллари юз бериб турибди. Айрим ҳокимликлар унинг олдини олишдек долзарб вазифага етарли эътибор бермаётганликлари устига маҳаллий бошқарув ва хўжаликлар раҳбарларига ҳам нисбатан қатъий талабчанлик қилмаётир. Шу боис, ҳукумат қарорида ички ишлар идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Хўш, қарор эълон қилинганидан буён орадан бир ойча вақт ўтди. Ҳозир жойларда унинг ижроси қандай бораяпти? Белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қай даражада?

Қуйида вилоятлардан олинган хабарлар билан танишасиз.

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Олламурод ЭШҚОБИЛОВ:

— Вилоят ички ишлар идоралари ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан 2003 йил мобайнида вилоят ҳудудида экинзорларни пайҳон қилишга оид 110 та ҳолат кузатилди. Фуқароларга тегишли чорва моллари томонидан 1,794 гектар экинзорлар пайҳон қилинганлиги аниқланиб, жамоа хўжаликлари ва фермерлар уюшмаларининг ерларига 908637 сўм миқдорида келтирилган зарарлар ундириб олинди. Чорва моллари эгаларига нисбатан профилактика инспекторлари томонидан белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилди. Тўпланган ҳужжатлар тегишли чоралар кўришлари учун ўзини ўзи бошқариш органларига ва судларга юборилди. Натижада, 105 нафар фуқарога 476043 сўм миқдорида жарима белгиланди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қароридан сўнг юқорида кўрсатилган камчиликлар олдини олиш юзасидан янаям қатъий тадбирлар белгиланди. Вилоят ички ишлар бошқармаси экинзорларни пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишини олдини олиш мақсадида 497 нафар ички ишлар идоралари ходимлари, 410 нафар «Маҳалла посбон»лари, 3463 нафар дала қоровулларини бу ишга жалб қилиб, уларнинг фойдаланишлари учун 222 та отлар ажратди.

Бундан ташқари вилоят ҳудудида экинзорлар атрофида 351 та кузатув постлари ташкил этилди. Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада профилактика инспекторлари, ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, «Маҳалла посбон»лари, хўжалик раҳбарлари ва фермерлар уюшмаси раислари иштирокида аҳоли ўртасида учрашувлар ташкил этилмоқда, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, туманларда мавжуд экинзорларнинг жойлашув карталари тўла ҳисоби олиниб, фуқароларга ва хўжаликларга тегишли чорва моллари томонидан экинзорларнинг пайҳон қилинишига қарши кенг жамоатчилик иштирокида алоҳида гуруҳлар ҳам ташкил этилди.

Қарор талабларини тўла ва изчил бажарилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирий режа ва кўрсатмалар барча туманларга юборилиб, хўжалик ва фермер уюшмалари раисларининг масъулияти кучайтирилди. Амалга оширилган ишлар баёни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиб борилаяпти.

ТОШКЕНТ

Вилоят ички ишлар бошқармасининг матбуот гуруҳи инспектори Абдулазиз ИСЛОМОВ:

— Вилоят ички ишлар бошқармаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросига изчил киришиб, фаол ишчи гуруҳлари тузди. Жойларда мунтазам рейдлар ўтказишга киришди. Экинлар пайҳон бўлиши мумкин бўлган далаларда кузатув постлари ташкил этди. Дала қоровуллари фаолияти ҳар қачонгидан кучайтирилди. Экинзорларни пайҳон қилиб, нобудгарчилик келтирган моллар эгаларига тегишли чоралар кўрилмоқда.

Сўнгги текширувларда Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстлик», Юқоричирчиқ туманидаги «Туркистон», Бўка туманидаги «Ровот» ширкат хўжаликларида фуқароларга тегишли моллар 10, 13, 25 сотихлаб экин майдонларни пайҳон қилганлиги аниқланди. Уларнинг эгалари моддий, маъмурий жазолар олишди. Бундай ҳоллар Бўка, Бекобод, Пскент, Янгийўл туманларида ҳам содир бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, демак, жойларда айрим ҳокимликлар, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва тегишли жамоат ташкилотлари ҳукумат қарори ижросини таъминлашга ҳамон жиддий киришганларича йўқ...

САМАРҚАНД

Газетамиз мухбири Шуҳрат ҚАРШИЕВ хабар қилади:

— Қарор ижроси йўлида вилоятда 170 нафар ички ишлар ходимлари, 275 нафар посбонлар ва 134 нафар дала қоровуллари фаол иш олиб боришаяпти. Уларга 48 та отлар ажратилиб, 134 та кузатув пунктлари ташкил қилинди. Бироқ, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим фуқаролар томонидан ўзларига тегишли чорва молларини қаровсиз қолдирганлиги оқибатида жойларда қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўйилаётир.

Жумладан, Оқдарё тумани, «Зарафшон» ширкат хўжалиги «Бурганли» қишлоғида яшовчи А.Тошевга тегишли 1 бош қорамол ушбу ширкат хўжалигининг 14-бригадасидаги 0,08 га ғалла майдонини пайҳон қилиб, 82 минг сўмлик зарар келтирган. Ушбу қишлоқда яшовчи К.Суюновга тегишли 2 бош қорамол ҳам хўжаликнинг 14-бригадасидаги 0,06 га ғалла майдонига 76 минг сўмлик зиён етказган. «Темирак» қишлоғида яшовчи А.Каримовга тегишли 2 бош қорамол эса хўжаликдаги «Ғаллакор» фермер хўжалигининг 0,07 га ғалла майдонини пайҳон қилиб, 58 минг 500 сўмлик моддий зарар келтиргани аниқланди. Туман прокуратураси жавобгар шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 104-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари судига жами 216 минг 500 сўмлик 3 та даъво аризаси киритди.

Бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. Масалан, Нарпай тумани, А.Навоий номли ширкат хўжалигида яшовчи И.Зиёдуллаевга тегишли 1 бош қорамол ушбу ширкат хўжалигининг 4-бригадасидаги 0,10 га ғалла майдонини пайҳон қилиб, 10 минг сўмлик зарар етказган. Туман ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 104-моддаси 1-қисми билан бу ҳол юзасидан ҳам маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди...

Бир сўз билан айтганда, вилоятда Вазирлар Маҳкамаси Қарорининг ижросига оид қатъий назорат ўрнатилган.

СИРДАРЁ

Газетамиз мухбири Абдужалил УМАРОВ:

— Оқолтин туманида ғалла майсаларини чорва моллари, техника ва бошқа воситалар томонидан пайҳон қилинишининг олдини олиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори Тоҳир УСМОНОВ шундай дейди:

— Шу йилнинг 22 январь куни мазкур масала ички ишлар бўлими шахсий таркибида атрофлича ўрганилиб, 22 киши экинларни пайҳон қилинишига қарши кураш гуруҳига жалб этилди.

Кўрилаётган тадбирларнинг эътиборли усулларидан бири — ички ишлар бўлимида махсус тилхат матни ишлаб чиқилди. У чорва туёғи бор ҳар бир хонадон бошлиқларига етказилди. Тилхатга имзо чекаётган хонадон соҳиби Вазирлар Маҳкамаси қарори билан шахсан танишиб чиққани ва қилинаётган талаблар ҳамда кўрилажак жазо чораларидан хабардор эканлиги ҳақида гувоҳлик беради. Икки нусхада тайёрланган тилхатнинг бири — хонадон соҳибида, иккинчиси — ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд профилактика инспектори қўлида сақланади...

Туман ички ишлар бўлимининг ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция лейтенанти Ўлмас МАМАДАМИНОВ:

— Ҳозиргина «Бўстон» фуқаролар йиғини ҳудудидаги Усмон Носир номли фермер хўжаликлари уюшмасидан қайтдик. У ердаги профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Холмуродовнинг айтишича, ҳудудда 788 та хонадон бўлиб, уларда 5263 та аҳоли яшайди. Ҳозиргача 418 та чорва туёғига эга бўлган хонадонлардан 270 тасига тилхат матнлари топширилди. 117 та фермернинг 2251 гектар ғалла майдонларига қоровуллар белгилаб қўйилди. Бугунгача ғалла экинларини пайҳон қилишга қарши курашга доир 40 дан зиёд йиғилишлар ўтказилиб, уларда 10 мингдан зиёд фаоллар иштирок этди.

— Экинларнинг пайҳон бўлишига қарши кураш — биргина ички ишлар ходимларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, асосий масъулиятни биринчи галда фермерлар ва ғаллакорларнинг ўзлари ҳам чуқур англаб етмоқлари лозим, — суҳбатимизга якун ясади Тоҳир Усмонов. — Шу нуқтаи назардан ҳозиргача улар чорва йўллари ўтадиган катта кўчаларнинг ёқаларига 2847 метрга яқин четанлар (яъни, йўлни тўсиб турувчи тўсиқлар) ўрнатишди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳар бир хонадонда, хусусан, қишлоқ шароитида молҳолнинг бўлиши — рўзғор файзи, дастурхон тўкинлиги, албатта. У қанча кўп бўлса шунча қут, шунча барака. Лекин боқимидаги молларни қаровсиз, назоратсиз қолдириб, жамоат экинзорларини пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига йўл қўяётган кишиларнинг хатти-ҳаракати мамлакатимизда белгиланган мавжуд тартиб-қоидалару халқимизнинг экинзорларни кўз қорачиғидек асрашдек азалий шарқона одатларига ҳеч ҳам ярашмайди. Қолаверса, бу — эл-улус ризқига хиёнат билан баробар...

Айни шу ҳақиқат тарғиботи — бугунги кунда юқорида тилга олинган мутасадди муассасаларнинг барча даражадаги раҳбарлари ва вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликнинг долзарб вазифаси, деб ўйлаймиз.

Қонун ва шарҳ

ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР — ТАДБИРКОРЛИК АСОСИ

ВА КИЧИК БИЗНЕСДА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.УМАРАЛИЕВ билан суҳбат

— Муҳаммаджон ака, Олий Мажлиснинг XIII сессиясида қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунни шарҳлаб беришни сўраб, таҳририятимизга газетхонлардан хатлар тушяпти. Шу ҳақда Сиз билан суҳбатлашиш ниятида эдик...

— Мазкур қонуннинг асосий мақсади хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий сектор улушини тубдан ошириш ҳамда уни ҳимоя қилишдан иборат.

Қонун мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор кўламини кенгайтириш ҳисобига олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва хусусий корхоналар барпо этиш ҳамда уларнинг фаолияти самарали бўлишини таъминлашга қаратилган. Бундай корхоналарни қайта ташкил этиш ёки тугатиш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва хусусий корхона эгаси — мулкдорни икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш каби яна талайгина масалалар ҳам эндиликда қатъий қонунлаштириб қўйилди.

— Бунга қадар бўлган қонуний тартиб-қоидалар қандай эди?

— Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари аслида аллақачон яратилган. Улар республикамизнинг Фуқаролик кодекси, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, фермер хўжалиги, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг (1995 йил 14 февраль) қарори билан асосланган хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низомда тўла акс этган.

— Демак, янги қонунда хусусий сектор билан хусусий мулкдорлар синфи ҳақ-ҳуқуқлари янада ойдинлаштирилиб, қонун тарзида мустаҳкамлаб қўйилди, шундайми?

— Ҳа. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг хусусий корхоналарни ташкил этишга ва ривожлантиришга кенг йўл очилди. Хусусан, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш босқичида хусусий тармоқни янада кенгайтириш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо қилди. Чунки, бозор иқтисодиётини ривожланган хусусий сектор ва хусусий мулкдорлар синфисиз тасаввур этиб бўлмайди-да...

Хусусий корхоналар бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, улар хусусий тадбиркорликнинг асоси, кичик бизнеснинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Буни бутун жаҳон тажрибаси кўрсатди. Масалан, ривожланган хорижий мамлакатларда хусусий корхоналар кенг тарқалган бўлиб, улар бозордаги ўзгаришларга ўта мослашувчанлиги ва бошқарувга доир қарорларни тезда қабул қилиш имкониятларига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Биз айни шу жиҳатларни алоҳида эътиборга олиб, Қонун қабул қилингунча бўлган жараёнларда Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партияларнинг фракциялари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралардан, шунингдек, ҳокимликлардан, олимлар, ҳуқуқшунос ҳамда тадбиркорлардан 170 дан зиёд таклиф ҳамда мулоҳазаларни ҳисобга олдик. Улар мутахассислар, олимлар, экспертлар томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Аксарияти қонунда ўз ифодасини топди ҳам.

— Ҳозирги кўп укладли иқтисодиёт шароитида хусусий корхоналар ўрнини қисқача қандай таърифлаган бўлардингиз?

— Хусусий корхоналар акциядорлик жамиятлари, хўжалик ширкатлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар билан биргаликда мамлакатимизда мустақиллик ҳамда иқтисодий ислоҳот йилларида шаклланган кўп укладли иқтисодиётнинг асосини ташкил этмоқда. **Бу эса тараққиётимиз гарови — тадбиркорликни ривожлантиришда яна бир хўжалик юритиш шаклининг мукаммал ҳуқуқий асосга эга бўлиши лозимлигини тақозо этди.** Натижада, қонун тадбиркорлик субъектлари — корхона мулкдорлари ва ёлланган ходимлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий кафолат мақомини олди.

Эндиликда — хусусий корхона кредиторларининг талаблари нафақат унинг активлари, балки муассиснинг шахсий мулки билан ҳам кафолатланади. Бу эса, кредиторлар ва тижорат шерикларининг бир-бирларига алоқа жараёнларидаги ишончларини орттиради. Айни пайтда бошқарув харажатларини сезиларли даражада камайтиришга ҳам хизмат қилади.

— Қонунда хусусий тадбиркорликнинг бугунгача мавжуд бўлган ҳуқуқий асосларидан фарқ қилувчи асосий янгилик нималардан иборат? Яъни, фуқаролар — жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хусусий корхоналар бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналардан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?

— Фуқаролар, яъни жисмоний шахслар томонидан тузилаётган хусусий корхона бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналардан:

— мулкдор корхонанинг ягона муассиси бўлганлиги учун корхона устав фондининг бўлинмаслиги;

— корхона мулкдорининг ўзи ташкил этган корхонага бевосита раҳбарлик қилиши;

— корхона мулкдорининг ўзи тузган корхона мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлиги (яъни, корхонанинг мулки етмаган тақдирда қарз берувчилар қарзни мулкдорнинг мулк ҳуқуқида бўлган бошқа мулклар тарзида ҳам тўлашни талаб қилишга ҳақли эканлиги);

— хусусий корхонанинг даромадлари унинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари тўлангандан кейин мулкдорнинг тасарруфига ўтиши ва у солиққа тортилмаслиги каби жиҳатлари билан фарқ қилади.

— Қонуннинг 22-моддасида хусусий корхона фаолиятининг эркинлиги тўғрисидаги меъёрлар берилган. Улар амалдаги қонунларда белгилаб қўйилганларига кўра қандай устунликка эга?

— Масалан, хусусий корхона энди ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши ва шартнома тузишда ўзининг тўла эркинлигига эга. У фақат ўзининг мулкдори ёки суд қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши, даромадлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейингина мулкдор тасарруфига ўтиши ва солиққа тортилмаслиги ҳуқуқий меъёрлар билан мустаҳкамлаб қўйилди.

— Қонунни тайёрлаш жараёнида ривожланган хориж мамлакатлари тажрибасига ҳам таянилгандир?

— Албатта. Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея Республикаси, Хитой, Россия каби давлатларнинг қонун ҳужжатлари ва тажрибаси халқаро андозаларга мослаштирилган даражада чуқур ўрганиб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, Қонун мамлакатимизда хусусий корхоналар ривожини янада тезлаштиришда ҳуқуқий кафолат вазифасини ўтайди.

Суҳбатдош: Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Анжуман

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

Мамлакатимизда жорий йилда бўлажак сайловлар муддати яқинлашган сари ушбу муҳим сиёсий ҳодисага қизиқишнинг ортиб бориши табиий. Сайловларга оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида қўйилган муҳим қадамлар, парламент ислоҳотининг амалий тус олганлиги, сиёсий партияларнинг сайловлар мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан режалар тузаётганликлари, ОАВнинг ушбу масалага эътибори кучаяётгани бундан далолат беради. Биргина мисол. Яқинда Конрад Аденауэр Фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти(ЕХҲТ), Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази биргаликда «Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва демократик сайловлар» мавзуида семинар ўтказдилар.

Икки кун давом этган мазкур семинарда Ўзбекистон ХДПнинг Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар кенгашлари котиблари ҳамда масъул ходимларидан иборат делегация иштирок этди.

Семинарни қисқача кириш сўзи билан очган Конрад Аденауэр Фондининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича минтақавий мухтор вакили жаноб Томас Кунце Ўзбекистонда демократиялаштириш жараёнлари тобора авж олаётгани, шу рухда сайловлар тўғрисидаги қонунларга жиддий ўзгартиришлар киритилганлиги, парламент ислоҳоти бошланганини ижобий баҳолаб, сиёсий партияларнинг демократик сайловларда фаоллиги ошувига ишонч билдирди ва Фонд ушбу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганишда кўмакдош эканлигини таъкидлади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази сиёсий маслаҳатчиси Мария-Карин фон Гуммпенберг хоним ўз навбатида мамлакатимизда 1995 йилдан буён турли йўналишларда фаолият кўрсатиб келаётган ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази жорий йилда асосий эътиборни бўлажак сайловлар масаласига қаратажагини билдирди.

Шундан сўнг бўлиб ўтган сиёсий партияларнинг дастурлари тақдимотида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов партиямизнинг дастурий ғоялари, мақсад-муддаоси, олдинги сайловларда иштироки, Олий Мажлисдаги фракциясининг фаолияти, яқин келажакдаги режалари ҳақида сўзлаб, қатнашчилар, хусусан ёшларнинг кўпгина саволларига жавоб берди.

Семинар иштирокчилари уларнинг диққатига ҳавола этилган «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти, бўлажак кўппартиявийлик парламент сайловларининг ўзига хослиги» (маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти М.Қирғизбоев), «Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари: ўтган сайловлар сабоқлари ва бугунги воқелик, (таҳлил ва тавсиялар)(-маърузачи Ўзбекистон ХДП МК котиби М.Ельшов), «Сайлов компаниясини олиб боришнинг стратегия ва тактикаси...»(маърузачи сиёсатшунос Х.Абдураимов) ва бошқа маърузаларни катта қизиқиш билан тинглаб, уларда кўтарилган мавзулар юзасидан баҳс-мунозара қилдилар.

«Сиёсий партиялар вакилларининг матбуот конференцияси» мавзусидаги амалий машғулот-ўйин семинарнинг янада қизиқарлироқ бўлишга кўмаклашди. Унинг давомида сиёсатчилар нафақат журналистлар ва ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар, балки уларнинг сиёсий партиялар фаолиятлари тўғрисидаги турлича фикр-мулоҳазаларини ҳам тингладилар, айрим масалалар юзасидан ўз ташкилотларининг нуқтаи назарини тушунтириб бердилар. Очиқ мулоқот тариқасида ўтган ушбу машғулот сиёсий партиялар ўзларининг ёшлар ўртасидаги фаолиятини ва журналистлар билан алоқаларини кучайтиришлари лозим, деган хулоса чиқарилишига туртки бўлди.

Ўн йилдан буён Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича минтақавий ваколатхонаси раҳбарияти турли йўналишлардаги анжуман ва семинарларни бундан кейин ҳам уюштириб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишига ҳисса қўшажагини таъкидлади.

Собир ШЕРАЛИЕВ

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ПАХТА, ШОЛИ ВА ДОН

БИЛАН ОБОД ҲАР БИР ДАСТУРХОН

Қораўзак тумани меҳнат аҳлининг Меҳр ва мурувват йилидаги шиори шундай

Ўтган йили фақат қораўзаклик деҳқонларгина Қорақалпоғистон Республикасида пахта, шоли ва дон етиштириш шартномавий режаларини ортиғи билан уддаладилар. 2004 йил Ватанимиз тарихи саҳнасига Меҳр ва мурувват йили деб кириши эса туман аҳли дунёқарашини янги маъно ва мазмун билан бойитиб, халқимизнинг азалий инсоний қадриятларини қадрлашга бўлган интилишларини ҳам кучайтирди, уларни серфазилат, серсавоб ишларга даъват этди.

Дарҳақиқат, 2002 йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов, **«Қорақалпоқ диёрининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш — долзарб вазифа»** мавзусида сўзлаган нутқида **«Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди бўлмиш бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатни талаб этиши ҳақида гапириб ўтириш, ўйлайманки ортиқча бўлади.**

Лекин шунга қарамай, Қорақалпоғистонда ҳам деҳқончилик илмини пухта эгаллаган, ўз меҳнати билан барчани қойил қолдираётган тадбиркор инсонлар кўплаб топилади,» — дея алоҳида таъкидлаганди.

Чиндан ҳам Қорақалпоғистонда, хусусан Қораўзак туманида бундай инсонлар кўп. Айниқса, хўжаликларнинг фермер хўжаликларига айлантирилиши бу ерда пахта, шоли, дон ва бошқа экинлардан олинадиган ҳосилдорликнинг йил сайин ошишини таъминламоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг **«2004-2006» йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»**ги Фармонидан кейин бу соҳада кескин бурилиш ясалди.

Султон ГУЗАРБОЕВ, «Ғуралпа» деҳқон фермерлар уюшмаси раиси:

— Ўтган йил деҳқончилик учун жуда ноқулай бўлди. Баҳор кеч келди. Унинг устига обҳаво салқин бўлиб, эрта баҳорда бошланган сел-ёмғир ёз ойларининг ўрталаригача давом этди. Уюшмамизнинг 26 та фермер хўжалиги 260 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар майдондан 22,6 центнердан ҳосил кўтардилар. Мавжуд ғалла майдонларидан давлатга сотилган буғдой 700 тонна бўлди. Фақат пахтанинг ўзидан 5 миллион 980 минг, буғдойдан эса 2 миллион 450 минг сўм соф фойда кўрилди.

Бугунги кунда қанчадан-қанча мини банклар фермер хўжаликларимизга намунали хизмат кўрсатмоқда. 4 дўкон, аёллар кийими тиқиш ва кимёвий тозалаш устахоналари, 6 жойда ҳар бири 10 ўринли касалхона, 5 фельдшерлик-акушерлик пункти, 3 кутубхона, ҳаммом аҳоли хизматида.

«Меҳр ва мурувват йили»да ҳозирдан кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. 460 гектар майдонга экилган кузги буғдойлардан тўла кўчат олинди. Озиқлантириш, парвариш ишлари авжида. Хўжаликларда мавжуд техника воситалари ва агрегатлар уюшма ҳудудидаги муқобил машина-трактор паркида таъмирланаяпти. 50 дан ортиқ ҳар хил русумдаги тракторлар аллақачон шай.

Есет АЛИЕВ, «Мурот» фермер хўжалиги раиси:

— Деҳқончилик меҳнатни севади. Ўтган йили 25 гектар майдонга шоли экдик. Ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштирилди. Давлатга 32,5 тонна шоли сотилди. Бу 2 миллион 600 минг сўмдан кўпроқ фойда дегани. 10 гектар кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, давлатга 13 тонна буғдой сотдик. 27 тонна дон фермер хўжалиги ихтиёрига қолдирилди. Хўжалик аъзоларига 1,5-2 тоннадан буғдой тарқатдик. Кам таъминланган 20 оиланинг ҳар бирига ҳам 100 килограммдан буғдой улашдик.

Ҳисоб-китобимизда ҳали пулимиз кўп. 2004 йил деҳқончилиги учун минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларига етарлича пул ўтказиб қўйдик. «Меҳр ва мурувват йили»да кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронларга, ҳамда боқувчисини йўқотган кишиларга моддий ва маънавий кўмак режаларини белгилаб қўйдик.

Суҳбатимизга туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Муратбой АБДИРОВ якун ясади:

— Туманимиз аҳли Ватанимиз гуллаб-яшнашида ўзларининг фидойи меҳнатлари билан муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Овулларимизнинг ҳусни яшариб, мулкчиликнинг хилма-хиллиги ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланаяпти.

Буни ўтган йил якунлари ва ижтимоий инфратузилма миқёсидаги ижобий ўзгаришлардан ҳам кўрса бўлади.

Юқорида даврадошларим иқтисодий кўрсаткичларимиз ҳақида етарлича гапириб ўтишди. Мен ижтимоий турмуш тарзимизнинг равнақини кўрсата олувчи рақамларга қисқача тўхталсам дегандим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши халқ хўжалигининг барча тизимида ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили 4000 квадрат метр турар-жойлар, 4,7 километрлик тоза ичимлик суви шахобчалари, 3 километрлик табиий газ тармоқлари, 3 жойда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, 106 квадрат метр савдо марказлари, 1 овул шифохонаси фойдаланишга топширилди. Аҳолининг 78 фоизи тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди, 88 фоиз хонадонлар газлаштирилди.

Ёшлар тарбиясига, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга кўламли эътибор бердик. Дастур бўйича туманимиз ҳудудида 4 та касб-ҳунар коллежи қурилиши керак. Ҳозирча 450 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши барвақт битказилди. Бу йил яна битта коллеж қурилиши устида иш олиб борилаяпти.

Ўтган «Обод маҳалла йили»да кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз яшаётган оилаларга, ногиронларга ҳамда ўта муҳтож оилаларга ёрдам тариқасида 322,8 миллион сўм маблағ сарфланди. Биз бу ишларни «Меҳр-мурувват йили»да ҳам изчил давом эттирамиз. Чунки катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, етимесирларга ҳомийлик қилиш халқимизнинг азалий инсоний зийнатларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Грузия парламенти мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритди. Асосий Қонундаги мазкур ўзгартиришларга кўра, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида, Грузияда Вазирлар Маҳкамаси ташкил этилади ва бош вазир лавозими жорий қилинади. Бироқ, Президент ҳукумат бошлиғи бўлиб қолади. Вазирлар номзодини у кўрсатади.

Бундан ташқари, Президент парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Парламент эса бешдан уч қисм овоз билан ҳукуматни истеъфога чиқаришга ҳақли. Шунингдек, Президентга ҳукумат қабул қилган айрим ҳужжатларни бекор қилиш ва айрим ҳолларда мамлакат Конституциявий судининг баъзи бир вазифасини ҳам бажариш ваколати берилди.

Асосий Қонунга киритилган бундай ўзгартиришлар мухолифатчилар фикрича, парламент ваколатларини чеклаб, Президент ваколатларини ҳаддан зиёд кенгайтириб юборади. Бу эса Президент диктатурасининг узоқ вақт сақланиб туришига олиб келиши мумкин.

Аммо, бу хилдаги мулоҳазаларни Президент Саакашвили рад этди. Кучли ҳукумат билан диктатура ўртасида катта фарқ борлигини уқтирди.

«Ҳозир Грузия инқироздан чиқиб олиши учун ҳам унга кучли таркибдаги ҳукумат керак. Давлат бошқарув ҳокимиятининг бундай янги моделини Европа Иттифоқи ҳам маъқуллаган», деди Президент.

Шундай қилиб 179 нафар депутатдан 177 нафари Конституцияга ўзгартиришлар киритилишини ёқлаб овоз берди.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Эроннинг Kish Airline авиакомпаниясига қарашли Fokker-50 йўловчи самолёти Бирлашган Араб Амирлигининг Шаржа шаҳри аэропортига қўнишга шайланаётган пайтда қулаб тушди. Натижада 39 киши ҳаётдан кўз юмди, бахтли тасодиф туфайли 2 киши тирик қолди, дея хабар беради CNN телеканали.

Самолёт дўкон ва мактаб ёнига қулаб тушган. Айрим манбаларда эса бозорга қулаганлиги айтилади. Маҳаллий аҳолидан қанча нобуд бўлганлиги ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

Самолёт бортида 50 киши бўлган. Улар Эрон, Сурия, Ҳиндистон, Миср, Непал, Нигерия ва Филиппин фуқаролари бўлиб, Эроннинг курорт ороли — Кишдан қайтишаётган эди.

Fokker-50 самолётлари яқин масофали парвозларга мўлжалланган бўлиб, 50 кишилик ўринга эга. Уни 6 кишилик экипаж бошқаради.

ҚЎЗҒОЛОН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Гаитида бир ҳафтадан бери ҳукуматга қарши халқ қўзғолони давом этмоқда. Associated Press агентлигининг хабар беришича, томонлар тўқнашувида ҳалок бўлганлар сони 41 кишига етди.

Қўзғолон Гонаив шаҳрида бундан бир ҳафта аввал бошланган. Ҳозир 10 та шаҳар аҳолиси қўзғолончиларга келиб қўшилган. Улар мамлакат Президенти Жан Бертран Аристиднинг истеъфосини талаб қилмоқдалар.

Мамлакат бош вазири Ивон Нептун агентликка маълум қилишича, полиция ҳудудда ҳануз тартиб ўрнатолмаяпти. Ивон Нептун бу қўзғолон давлат тўнтаришига айланиб кетишидан хавотирда.

Шарҳ

РОССИЯ: ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ЯНАДА КУЧАЯДИ

Россия террор балосидан яна жабр кўрди. 2002 йил октябрида Москвадаги Театрлар марказида содир этилган террорчилик ҳаракатидан 117 кишининг нобуд бўлиши, 2003 йил июлда Москвадаги Тушино аэродромида аёл камикадзелар содир этган иккита портлашдан 13 кишининг ҳаётдан кўз юмиши, яна ўтган йил августда Шимолий Осетиянинг Моздак шаҳридаги ҳарбий госпиталда амалга оширилган террорчилик ҳаракатидан 50 кишининг қурбон бўлиши қанчалаб оилаларга қайғу келтирмади, дейсиз. Юрагида инсонийлик туйғуси жўш урган зот борки, террор офатининг жабрини чуқур ҳис этди. Ва бундан ўзига етарли хулоса чиқариб олган бўлиши табиий. Афсуски, ҳануз атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга «Менга нима» қабилидаги муносабатда бўлаётганлар оз эмас. Бу бепарволик оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳамма ҳам ўйламаяпти.

Жума куни эрталаб Москва метросининг (эътибор бериринг, махсус органлар томонидан қўриқланадиган объект) «Автозаводская» — «Павелецкая» бекатлари оралиғида, поезд вагонида содир этилган террор Россия сиёсатдонларини ҳам жиддий ўйлантириб қўйди. Нима қилиш керак? Хавфсизлик йўлида назоратни кучайтиришнинг қандай йўлларини қўллаш мумкин?

«Единая Россия» партияси етакчиси Борис Грызлов терроризмга қарши кураш борасида қаттиққўл қонунлар яратиш кераклигини таъкидлади. Партиянинг Москва ташкилоти эса ўз депутатларига қаттиққўл тартиб-қоидалар ишлаб чиқишни, яъни Москвага келувчиларнинг рўйхатдан ўтишини мажбурий қилиш ва ноқонуний муҳожирларни Москвадан чиқариб юбориш лозимлигини уқтирди. «Москваликлар ўз ҳаёти ва саломатлигидан доимо хавфсираб яшашдан чарчади. Улар ўз шаҳрида хавфсиз яшашга ҳақли. Бунинг учун хавфсизлик кафолати лозим. Бу кафолат эса қонун йўли билан берилиши даркор», дейилади «Единая Россия» мурожаатномасида.

КПРФ раиси Геннадий Зюганов ҳукуматни мамлакатдан терроризм илдизларини таг-томири билан суғуриб ташлашга чақирди.

Либераллар етакчиси Ирина Ҳакамада эса махсус хизматнинг фуқаролар назорати борасидаги масъулияти ҳақида гапириб: «Ҳуқуқ-тартибот органларининг асосий вазифаси терроризмга қарши курашдан иборат бўлишига қарамай, улар ўз вазифасини муваффақиятсиз бажармоқдалар. Бунга уларнинг раҳбарлари масъулдирлар», дея баёнот берди.

«Яблоко» раҳбари Григорий Явлинский терроризмга қарши курашда сиёсий кучлар бирлашиши лозимлигини уқтириб, партия баёнотини маълум қилди. «Терроризм — бу қонли ваҳшийлик. Россия унинг зарбасига биринчи марта учраётгани йўқ. Эндиликда ватандошларимиз ва келажагимиз бу хавфдан ҳоли бўлиши учун барча сиёсий кучлар бирлашиши лозим», дейилади баёнотда.

«Родина» блоки вакили, Россия давлат думаси вицеспикери Дмитрий Рогозин эса мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиши ва нафақат террорчиларга, балки порахўр корчалонлару «наркобарон»ларга қарши ўлим жазоси қўлланиши тарафдори.

«Жамиятимизда терроризмга қарши иммунитет пайдо бўлганлигига аминман. Эндиликда бўшаб қолган «гайка»ларни бироз бураб, қотириб қўйиш лозим. Бу Россия хавфсизлиги йўлида қилинадиган хавфсиз йўлдир» деди «Яблоко» вакили Сергей Митрохин «Новости» агентлигига берган интервьюсида. Ва сиёсий таҳлилчилар ҳам бу борада жамият айнан бўшаб қолган «гайка»лар бураб қўйилишини танлашини ва бунга ҳукуматни чорлашини эътироф этмоқдалар.

«Эркинлик ва хавфсизлик. Бу қадимий тарихга эга. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хавфсизлик ҳақида гап кетганда одамлар доим эркинлик фойдасига ён босмайдилар», деди «Новости» нашриёти уйи раҳбари Виталий Третьяков.

Дарҳақиқат, эркинлик — яхши неъмат, лекин хавфсизлик шу эркинликни таъминлаш йўлидаги энг олий неъматдир.

Алимқул СУЛТОН

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ ЕМИРИЛИБ БОРМОҚДА

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати вакилининг Ananova агентлигига маълум қилишича, Буюк Хитой деворига дунё сайёҳларининг кўплаб ташриф буюриши оқибатида девор емирилиб бормоқда.

Гап шундаки, сайёҳлар албатта деворга чиқиб, юриб кўрмоқдалар.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунгача деворнинг учдан бир қисмигина сақланиб қолган, холос.

Агар деворга жиддийроқ муносабатда бўлинмаса, инсоният келгусида ундан айрилиб қолиши мумкин. Ачинарлиси шуки, маҳаллий қурувчилар ҳатто деворнинг ғиштларини кўчириб кетмоқдалар.

Хитой ҳукумати кўрсатмасига биноан деворни текширувдан ўтказган олимлар шуни аниқлашдики, 13 квадрат метрдаги ғиштлар кўчириб кетилган ва ўрнига бетон ғиштлар қўйилган. Хайриятки, айбдорлар тезда топилди ва маъмурий жазога тортилди, яъни 9 минг доллар миқдоридаги жарима билан «сийланди».

Тарихдан маълумки, Буюк Хитой девори эрамиздан аввалги 221-206 йилларда, Цин сулоласи ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Унинг узунлиги манбаларда қайд этилишича, 4 мингдан 7 минг километргача бўлган.

Мазкур девор 1987 йилдан эътиборан ЮНЕСКОнинг Бутун дунё меросларининг рўйхатига киритилган ва ушбу ташкилот муҳофазасига олинган.



Болалар спорти

ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАМИША ЗАРУР

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Бухоро вилоят филиали ҳомийлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида 2004 йилда қилинадиган ишлар кўлами қизғин муҳокама этилди. Йиғилишда камчилик ва нуқсонлар очиқ-ойдин айтилди.

Ҳаёт тажрибаси кўрсатмоқдаки, ҳамжиҳатлик бор жойда иш юришади, ҳар қандай муаммони ечиш мумкин бўлади. Болалар спортини ривожлантириш Бухоро вилоятида спортни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилаётган идора ва ташкилотлар раҳбарлари бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишмоқда. Илгарилари бирорта спорт майдончасини қуриш ёки мусобақа уюштириш ўта қийин, муаммолари қалашиб ётган ишдек туюларди. Аммо, астойдил ҳаракат қилинса, ҳамжиҳатлик бўлса, имкон ҳам, маблағ ҳам топиларкан. Айниқса, Бухорода «Универсиада-2002» баҳсларининг ўтказилиши муносабати билан вилоят маркази, қатор туманларда кўплаб ўйингоҳ ва спорт мажмуалари қурилди. Бир неча спорт иншоотлари таъмирланди.

Бугун вилоятда 2300 дан зиёд спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, уларда оммавийлик кун сайин ошмоқда. Лекин давр ўтиши билан имкониятлар кенгая бориши оқибатида, бу камлик қилиши табиий ҳолдир. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш бўйича юртбошимиз айтган гаплар, ҳаётнинг ўзи қўяётган вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, қилиниши лозим ишлар ҳали кўплигига иқрор бўламиз. Масалага шу жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, вилоятда эътибор қаратилиши зарур масалалар оз эмас. Масалан, ҳамма туман марказлари, айниқса, қишлоқларда спорт иншоотлари етишмаслиги сир эмас.

Тан олиб айтиш керакки, баъзи туман раҳбарлари давлат буюртмаси ҳисобланган пахта ва дондан бўлак масалаларга ҳар доим ҳам жиддий эътибор беравермайди. Боиси айрим қишлоқ жойларида болалар спортига эътибор камлиги сезилмоқда. Бултур Жондор, Бухоро, Ғиждувон туманларида 3 та спорт иншооти қурилиши кўзда тутилган эди. Нима бўлди денг. Биргина Ғиждувонда эски деҳқон бозори ҳудудидаги бино таъмирланиб, унга жиҳозлар ўрнатилди. Лекин иш ниҳоясига етказилмади. Ҳозир бинонинг иситиш тизими носозлигидан спорт саройи бўм-бўш турибди. Қолган икки туманда бошланган қурилиш ишлари ҳам охирига етмади. Пешку, Когон, Ромитан туманларида бултур дастурга киритилган спорт майдончалари тўла таъмирланди дея ҳисоботларга жимжимадор имзо қўйилган. Аммо, кўпгина ишларга қўл ҳам урилмаган.

Яна бир гап. Вилоят бўйича 45918 нафар қиздан 2001 йилда 7,4 фоизи спортга жалб этилган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 38,3 фоизга етказилди. Аммо бу кўрсаткич Бухоро, Пешку, Когон туманларида 19-26 фоизда туриб қолганини қандай изоҳласа бўлади? Кўриниб турибдики, қизлар шуғулланадиган спорт турлари — волейбол, баскетбол, енгил атлетика мазкур туманларда ўгай соҳага айланган. Ромитан, Қоракўл туманларида енгил атлетика билан қизларнинг шуғулланиш даражаси анча паст.

Олот, Қоракўл туманлар мактабларида эса болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Айниқса, Қоракўлдаги 5-ихтисослашган спорт мактаб-интернатнинг на спорт зали, на майдони бор. Еттинчи мактабда эса аҳвол бундан-да ачинарли. Тумандаги 41 та умумтаълим масканидан 27 тасида спорт зали мавжуд эмас, майдончалар эса талабга жавоб бермайди. 16 та мактабдаги спорт майдончаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ҳол эса жисмоний тарбия дарслари самарадорлигига салбий таъсир этмай қолмайди. Мутахассис кадрлар етишмайди, айримларининг малакаси паст. 17-спорт мактабида фаолият кўрсатаётган 40 нафар мураббий кейинги ўн йилда малакасини оширмаган.

Вилоятда болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотлари қурилиши кўп жиҳатдан мазкур жамғарма бюджетига боғлиқ албатта. Хўш, унинг бултурги ижроси қандай бўлган? Бултур жамғарма ҳисоб рақамига 800 миллион сўм ўрнига 360 миллион сўм маблағ тушган. Унинг 170 миллион сўмини республика болалар спорти жамғармаси ажратган. Қолганлари ҳомий ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Шуниси ачинарлики, 81 та ҳомий ташкилотдан атиги 4 таси филиалга маблағни тўлалигича туширган. Бу аҳвол билан вилоятда жорий йилда йирик спорт иншоотлари қуриб бўладими? Албатта, йўқ. Шундай экан, ўзаро ҳамжиҳатлик тўғри йўлга қўйилиши даркор.

Жорий йилда Ғиждувон, Қоракўл, Вобкент, Когон, Олот туманларида замонавий лойиҳадаги спорт иншоотлари қурилади, кўплаб спорт майдончалари таъмирланади.

— Бунга эришишнинг бирдан бир омили масъулият ҳиссини тўлиқ англашга боғлиқ, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори И.Мирзаев. — Ҳамжиҳатлик самараси шунда намоён бўлади.

Ҳа, ҳамжиҳатлик билан кўп иш қилиш мумкинлигини бухороликлар «Универсиада — 2002» мисолида яхши билишади. Туман ҳокимлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилса, юқорида айтилган муаммолар ҳам ҳал бўлиши табиий албатта.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Санъаткор билан учрашув

ҚЎШИҚ — ҚАЛБ ҚАНОАТИ

Миллий санъатимизнинг беқиёс дарғалари, элимиз ардоқлаган буюк ҳофизлар изидан бораётган ёшларимиз оз эмас. Ана шундайлардан бири хушовоз лирик хонанда Олимжон Мирзаевдир. У ўзининг мумтоз қўшиқлари билан халқнинг кўнглидан жой олиб келмоқда.

Олимжон Мирзаевда санъатга иштиёқ болаликдан пайдо бўлди. Онаси Шаҳрибону Жалолова дугоналари билан йиғилиб Навоий, Огаҳий, Машраб, Ҳувайдо ва бошқаларнинг китобларидан ўқир, ғазалхонлик кечалари бўлиб ўтарди. Уларнинг ширали, ёқимли овозларини эшитиб улғайган Олимжон шеър ва қўшиқларни ёд олар, сўнгра хиргойи қиларди. Шу тариқа мумтоз мақомларга ҳавас қўйди.

Машҳур ҳофизларимиз қўшиқларини тинглаб, шеър матнини дафтарига кўчириб олар ва уларга жўр бўларди.

Илк бор мактаб саҳнасига чиқди. «Санъат байрами»да қўшиқ ижро этди. Уни бутун зал олқишлади. Бу илк синов Олимжонни янада улкан зафарлар сари ундай бошлади. Шундан сўнг у ўз устида қаттиқ ишлашга киришди. Мактаб, кейинчалик билим юртида таҳсил олаётган тенгдошлари учун махсус концерт дастурлари намойиш этиб, кўплаб мухлислар орттирди. Олимжондаги санъатга, қўшиққа бўлган меҳр, интилиш уни пойтахтга етаклади. Бирин-кетин бир-биридан гўзал, жозибали куй-қўшиқлар яратилди. Классикларимиз Навоий, Фузулий, Огаҳий, Машраб ғазалларидан ҳамда замондош шоирларимиз марҳум Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоиров шеърларидан фойдаланди.

Олимжон Мирзаев бугунги кунгача «Ўзбекистон», «Онажон», «Элнинг боласи», «Дўст», «Ноз», «Ажаб» каби 40 дан ошиқ мумтоз ва лирик қўшиқлар яратди. Ўтган йили пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида икки кун давомида «Соғинсангиз...» номли яккахон концерт дастурини намойиш этди. Қўшиқлар кўтаринки руҳда ва мухлисларнинг олқишлари остида жонли ижро этилди. Шундан сўнг, унинг ижодига қизиқувчилар янада ортди. Хонанда доимо изланишда, янги-янги қўшиқлар яратиш устида ишламоқда.

Олимжон Мирзаевнинг 4 нафар фарзанди бор. Қизи Маҳзуна ва ўғиллари Олмос, Ойбек, Одилжонлар ҳам санъатга меҳр қўйишган. Ойбек эса ота изидан бориб, бугунги кунда танбур созида ва анъанавий қўшиқчилик йўналишида Мусиқа коллежида таълим олмоқда.

— Санъаткор сохталикдан қочиши керак. Сени ҳурмат қилиб, қўшиғингни тинглаётган одамларнинг меҳрини қозониш, ишончини оқлаш биз учун фарз. Афсуски, айрим ёш хонандаларимиз «минидиск» қўйиб, оғиз қимирлатишдан нарига ўтмайди. Шуни унутмаслик лозимки, мусиқанинг ҳам, ашуланинг ҳам кучи жонли ижрода. Яқинда «Ёшлар» телеканалининг «Оҳанграбо» кўрсатувига таклиф этишган эди. Унда ўзимизнинг энг сара классик қўшиқларимиз билан иштирок этдик. Бу ҳам биз учун бир синов бўлди. Меҳр ва мурувват йилида эса муҳаббат, вафо, меҳр-оқибат ҳақидаги қўшиқлар янада кўпаяверсин, — дейди Олимжон Мирзаев.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

УЧТА ОЛТИН ВА ИККИТА БРОНЗА

Спорт

Каратэ бўйича Хитой-Тайпейида катталар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати поёнига етди. Қитъамизнинг ўттиздан ортиқ давлатлари вакиллари иштирок этган бу мусобақада Ватанимиз каратэчилари ҳам муносиб қатнашдилар. Учта олтин, иккита бронза медалига сазовор бўлган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Баҳсларда вакилларимиздан Отабек Қосимов, София Каспўлатова (иккита)лар олтин, Илҳом Каримов ҳамда Рустам Ғофуржоновлар бронза медаллари билан тақдирландилар.

Суратда: Ўзбекистон карате миллий федерацияси президенти Н. Нафасов шогирдлари Отабек Қосимов ва София Каспўлатовалар билан.

Муҳаммад АМИН олган сурат

МУХЛИСЛАРНИ РАНЖИТДИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларига старт берилди. Мамлакатимиз клубларидан биринчи бўлиб Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси майдонга тушди. Мусобақанинг «Д» гуруҳидан жой олган фарғоналиклар дастлабки турда «Сепаҳон» (Исфаҳон, Эрон) футболчилари меҳмони бўлишди. 10 февраль куни ўтказилган мазкур учрашувда «Нефтчи» жамоаси ўз мухлисларини ранжитди. Ҳамюртларимиз кутилмаганда ўз дарвозаларидан жавобсиз тўртта тўп ўтказиб юборишди — 0:4.

Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сураётган мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» футболчилари ҳам қуръага кўра илк ўйинни сафарда бошлашди. Кеча Эроннинг яна бир клуби «Зоб Аҳан» (Исфаҳон)га қарши майдонга чиққан пахтакорчилар «Нефтчи»га нисбатан бирмунча мазмундор ўйин намойиш этдилар. Бироқ, бу сафар ҳам омад мезбонларга кулиб боқди — 0:1.

Эркин ХОЛБОБО

«И.ФОЗИЛОВ» ОТАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2004 йил 13 март куни соат 11.00 да «И.Фозилов» ОТАЖ мажлислар залида акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилишга барча акциядорлар ўзларини тасдиқловчи ҳужжатлари билан келишлари шарт.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқарув раисининг 2003 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2003 йилги бухгалтерия баланси ва молиявий хўжалиги фаолиятини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ва Аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.
4. Корхонани банкротлик ҳолатидан чиқариш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш, хорижий инвесторлар билан қўшма корхона тузиш.
5. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
6. Жамият Тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.
7. Акциядорлик жамиятининг 2004 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамият бошқарув раисини қайта сайлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ООО «M-L INVEST»

Перечень пакетов акции выставляемых на биржевые торги для свободной продажи

№	Регион	Наименование отрасли и эмитента	Номинал (сум)	Предлагаемое количество акций для реализации (шт.)	Доля предлагаемая для реализации в %	Цена предложения не ниже (сум).
1	Нав. обл	«СМП-151» ОАЖ	2 500	2 560	25,00	10 570,00

АО «Тезкор-Соз» ставить на торги публичнои оферты навес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел). Телефон: 185-88-59.

Ҳикматли сўзлар маъноси

МЕН БИРОВНИ УЧ ПУЛГА ОЛМАЙМАН, БИРОВ МЕНИ БИР ПУЛГА ОЛМАЙДИ

Буни ўзини катта олиб, ўзгаларни менсимайдиган, назар-писанд қилмайдиган, шу туфайли элюрт ўртасида тариқча обрў-эътиборга эга бўла олмаган такаббур одамлар тилидан истеҳзо тариқасида айтадилар.

МЕН КУЯРМАН БОЛАМГА, БОЛАМ КУЯР БОЛАСИГА

«Мен боламни дейман, болам боласини дейди». Ота-она умр бўйи болалари тўғрисида қайғуради, улар бахтли ҳаёт кечирсин, соғ-саломат бўлсин, қийналмасин, азоб-уқубат чекмасин, бошқалардан кам бўлмасин деган эзгу ниятда елиб-югуради, тунларни бедор ўтказади, топганини ўзига эмас, биринчи галда болаларига раво кўради. Ўз навбатида болалар ҳам ўз болалари тўғрисида шундай ғамхўрлик қиладилар. Мазкур мақолларда ана шу ҳолат ўз ифодасини топган.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 365
13069 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA